

“БОБУРНОМА”ДА ДАВЛАТНИ БОШҚАРИШ САНЪАТИ ВА ХУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

Тилавбаева Гулсанам Бекпулатовна,

Тошкент давлат транспорт университети,

“Халқаро оммавий хуқуқ” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада Захриддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ва унда давлатни бошқариш санъаати, ўз замондошлари: ҳукмдорлар, уламолар, шоирлар, санъаткорларнинг сурат ва сийратларини тасвирлаши, лай оладики, Бобурнинг олийжаноб ва улуғ ҳукмдорга хос фазилатлари, хуқуқий масалаларни хал қилиниши каби масалалар тахлил қилинган.

Калит сўзлар: “Бобурнома”, давлат, хуқуқ, ҳукмдор, уламо, сийрат, ақл-заковатлилик, саҳоватлилик.

Бобур ва Бобурийлар ҳақида юзлаб олимлар илмий изланишлар қилганлар. Жумлада, инглиз олими Элфинистон “Бобурнома” асарига шундай муносабат билдиради: “Бу мемуарларда буюк турк подшосининг ҳаёти батафсил тасвирланган, унунг шахсий ҳис-туй ғулари ҳар қандай мубола ғадан, пардадан ҳоли, унинг услуби оддий ва мардана, шунингдек, жонли ва образли, ўз замондошларининг қиёфаларини, интилишларини, ҳарактерларини ойнадек равшан тасвирлайди. Бу жиҳатдан у, осиёда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасиdir. Бобур ҳар бир одамнинг ташқи к ўринишини, кийимини, таъбини ва одатини ифода қиласи ва мамлакатларни, уларнинг иқлимини, табиатини, хўжалигини, санъат ва хунармандчилик асрларини тасвирлаб беради. Лекин асарга муаллифнинг ҳарактери энг к ўп жозиба бағишлайди... Асарни ўқа туриб, биз уларнинг орасида яшагандек бўламиз”. Дархақиқат, “Бобурнома” ўзбек тилидаги дастлабки мемуар ва тарихий-илмий асар бўлиб, унда Мовароуннахр, Хурросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда 1494-1529-йиллар мобайнида рўй берган воқеалар тасвирланади. Асарда ижтимоий-табиий фанлар, тарих, фалсафа, фикҳ, дин таълимоти, тилшунослик, жу ғрофия, табиатшунослик, маданиятшунослик, деҳқончилик, бо ғорчилик ва бошқаларга оид аниқ ва ҳанузгача ўз тарихий ва илмий аҳамиятини ёъқотмаган маълумотлар, илмий асосланган хуносалар келтирилган.

Бобур асарда ўз замондошлари: ҳукмдорлар, уламолар, шоирлар, санъаткорларнинг сурат ва сийратларини ўзгача моҳирлик билан тасвирлай оладики, бу малумотлардан фойдалана олган ҳар қандай уста рассом мукаммал портрет яратишга қодир. Ҳусусан, Бобурнинг ўз падарбузруквори ҳақида келтирган малумотларига асосланиб, Фар ғона ҳокими Умар Шайх Мирзонинг ҳукмдорликка хос қуйидаги жиҳатларини кўрсатиш мумкин:

- ақл-заковатлилик;
- саҳоватлилик;
- жасур ва марданаворлик;
- ожизларга ғамх ўрлилик;
- хушхулқ ва хушсуҳбатлилик;
- поклик;

• эътиқодлилик.

Асарда ўз замонасининг қудратли хукмдорларидан бири Ҳусайн Бойқарога шундай баҳо берилади: “Султон Ҳусайн мирзо кордон ва соҳиб тажриба подшоҳ эди”. Аммо кейинчалик Ҳусайн Бойқаро умрининг охирларида ичкилликка берилиб, мамлакатни оғир аҳволга солиб қўйганини Бобур куюниб ёzádi.

Қолаверса асарда Ҳусайн Бойқаро ва ўғли Бадиuzzамон ўртасидаги низоли ҳолатлар ҳам келтириб ўтилган: “Ушбу йи Султон Ҳусайн мирзо ва Бадиuzzамон мирзо орасида ғи ниқорлар урушға тортти. Тафъисили булдурким, ўтган йил Балхни ва Астрободни Бадиuzzамон мирзоға ва Музаффар мирзоға бериб, юкундуруб эдиларким, нечук мазкур бўлди, ўшул муддатдин бу муддатқача ғалаба элчилари бордилар ва келдилар.

Бизга малумки Бобур ҳам барча темурийзода сингари Самарқанд тахтини эгаллаш иштиёқида эди. У бу орзусига эришади ҳам, аммо Андижондаги мулоғимларининг ҳиёнати сабаб Самарқанд ёки Андижонни танлашига т ўғри келади. Бу орада Бобурга пири Ҳожа Мавлонои қози ва онасидан шундай мазмундаги хатлар келадики Бобур буни қуийдагича келтиради: “Муҳосара муддатида менинг волидаларимдин ва Ҳожа қозидин муттасил, бу мазмун била хатлар келур эдиким, бизларни мундоқ муҳосара қилиб турлар. Агар келиб фарёдимизға этмасангиз иш вуболб ўлғусидур. Самарқанд Андижон кучи била олилиб эди. Агар Андижон иликта бўлса, яна тенгри рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлур. Мутаоқиб бу мазмун била хатлар келди”.

Асарда Бобур ўзининг ашаддий рақиби Шайбонийхон билан содир этилган воқеаларга ҳам алоҳида тўҳталиб ўтади. Жумладан, Султон али мирзони онаси Зухробеги оғанинг ақлсизлиги сабаб ўғлининг ҳалок бўлганини қуийдагича тасвирлайди: “Хабар келдиким, Шайбонийхон Бухорони олиб, Самарқанд устига мутаважжиҳ бўлди... Кешга келгандин бир-икки ҳафтадин сўнг хабар келдиким, Султон Али мирзо Самарқандни Шайбонийхонға берди. Тафсили булдурким. Султон Али мирzonинг онаси Зухробеги оға билмаслигидин ва беақлли ғидин маҳфий Шайбонийхон ға киши юборур, бу мазмун билаким, Шайбонийхон ани олур бўлса, ўғли Шайбонийхонға Самарқадни бергай. Отасининг вилоятини олғондин сўнг Султон Али мирзоға бергай”.

Бобур сўзларини давом этар экан хотин кишининг гапига кириб, ўз ҳаёти ва мамлакатни хавф остига қўйган Султон али мирзони хукмдорликка нолойиқ ҳатти-ҳаракати учун ўз бошига этганини такидлаб ўтади: “Бу беш қунлик ўлар жон учун ёмон от била борди. Хотин сўзига кириб, ўзини некномлар чаргасидин чиқарди. Мундоқ кишининг вақоени мундин ортуқ битиб бўлmas. Бу ёъсунлуқ шанеъ ҳарокатни мундин ортуқ эшитиб бўлmas”.

Бобур иккинчи бор Самарқанд тахтини Шайбонийхон қўлидан олганида унга замонасининг машхур кишиси Алишер Навоийдан табрик келганини қуийдагича ёzádi: “Бу иккинчи навбат Самарқандни ол ғонда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат юборуб эдим, орқасида турки байт айтиб, битиб йибориб эдим. Жавоб келгунча тафриқа ва ғавғо бўлди”.

Асарда Бобур Навоий ҳақида бир неча бор тўҳталиб ўтади: “Алишербек назари ёъқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча к ўп ва х ўб айтқон эмас... Аҳли фазл ва аҳли ҳунар ға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай... Ўғул ва қиз аҳлу аёл ёъқ, оламни тавре фард ва жарийда ўткарди. Мирзодин нима олмас, балки

йилда мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди. Султон Ҳусайн мирзо Астробод черикидин ёнғонда истиқболиға келди, мирзо била кўрушуб қўпқунча, бир ҳолати бўлди, қўполмади, қўтариб элтдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Тонгласиға ўқ тенгри раҳматиға борди”.

“Бобурнома” билан танишиб биз Алишер Навоий билан боғлиқ қуидаги қатор масалаларни ойдинлаштишимиз мумкин:

- Алишербекнинг бадиий ижодда тенги йўқлиги, туркий тилда Навоийчалик к ўп ва яхши асарлар ёзган шоир йўқлиги, яъни Алишер Навоийнинг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги;
- Алишербекнинг “Аҳли фазл ва аҳли хунарға” ғамхўр ва мураббий бўлганлиги, унинг кўмаги билан Устоз Қулмуҳаммад, Шайхи Нойи, Ҳусайн Удий, Устоз Беҳзод, Шоҳ Музaffer каби созанда, мусаввирларнинг камолотга етганлиги;
- Алишербекнинг кўп хусусиятларга эгалиги, нозик табиат бўлганлиги;
- Навоийгача ҳеч ким у қадар кўп ҳайрли қурилиш ишлари қилмаганлиги;
- Шундай улуғ зотнинг ўғил-қиз кўрмай, аниқроғи уйланмай ёлғиз ўтганлиги;
- Ҳусайн Бойқародан моддий ёрдам олмасдан, балки унга моддий жиҳатдан кўмаклашганлиги;
- Ва ниҳоят, Ҳусайн Бойқарони Астрободдан ғалаба билан келаётганда кутиб олишга чиқиб, тўйсатдан бетоб бўлиб, эртаси куни оламдан ўтганлиги.

Бобур Самарқанд мудофаси учун хон додаси, иниси Жаҳонгир мирзо ва бази бекликлардан кўмак кучи олсада, ўша даврда қудратли икки ҳукмдор Ҳисор ва Қундуз ҳокими Ҳусравшоҳ ва Ҳурросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро ва ўғли Бадиuzzамонлардан кўмак кучи келмаганини изтироб билан ёзади: “Султон Ҳусайн Мирзодек соҳиб тажрибалик подшоҳдинким, Шайбонийхоннинг афъол ва атворини миrzодin яхшироқ киши билmas эди, ҳеч киши кўмакка келмади. Бадиuzzамон Мирзодин ҳам киши келмади. Ҳисравшоҳ худ ўзининг таваҳхумидин киши йиформади. Чун бемиқдор ёмонлиқлар андин нисбат бу хонаводаға воқе бўлуб эди, биздин кўрқунчи кўпрак эди”.

Урушда енгилган Бобур дашти қипчоқликларнинг жанг усули ҳақида юксак баҳо бериб ўтади: “Ўзбакнинг урушта бир улук ҳунари ушбу тўлғамадур, ҳеч уруши тўлғамасиз бўлмас. Яна бир будурким, илгари ва кейин бек ва навкар тамом ўқ қўюб жиловлуқ келадурлар, ёнғонда ҳам паришон ёнмай жиловлуқ ёнадурлар”.

Бобур кимлар билан жангларда тўқнаш келган бўлса уларнинг тажрибаларини ўрганган:

- шайбонийлардан урушнинг “тўлғама” усулини;
- мўғуллардан пистврма қўйиши;
- афғонлардан порохли милтиқ ишлатиши;
- турклардан эса отлиқ қ ўшинни унумли ишлатишни ўзлаштиради.

Ҳиндиstonдаги хилма-хил қабила ва халқларнинг урф-одат ва расм-русларига қараб иш кўра бошлади. Ҳинд олимларидан Шайхарани ўзига вазир қилиб олади. Бобур ўғли Ҳумоюнга бағишлиб ёзган хатларидан бирида ҳукмдорга зарур қуидаги жиҳатларни ўғлига тавсия этади:

- бошқарув борасида ёлғиз қарор чиқармаслик;
- иш кўрган бек ва шаҳзодалар билан кенгашиб, маслаҳатлар олиш;
- халқ билан алоқада(муносабатда) бўлиб туриш.

“Бобурнома” асарини ўқиб биз Бобурнинг олийжаноб ва улуғ ҳукмдорга хос қуидаги фазилатлар соҳиби эканлигини биламиз:

- сабр-қаноатлилик;
- моҳир саркарда ва дипломат;
- мард ва тадбиркор;
- ватанпарвар ва ҳалқпарвар;
- юксак ақл-заковатлилик;
- илм-фан ҳомийси;
- меҳр-шафқатлилик ва ғамх ўрлилик;
- саҳоватпеша ва хушхулқ;
- интизомлилик.

Бу сифатларнинг далили этиб Бобур ҳаётига доир қуидаги жараёнларни к ўрсатиш мумкин:

- - мураккаб ҳаёт ёлида турли зиддиятли вазиятлардан моҳирона чиқиб кетиши;
- - умумий душманга қарши темурий ҳукмдорларни яқдилликка даъват этиши;
- - оз сонли қўшини билан бир неча бор ўзидан сон жиҳатидан анча устун рақибларни тор-мор этиши;
- - Афғонистон хўжалиги ва маданиятига катта этибор қаратиши;
- - ҳинд ҳалқини ғайриддинлар солиғидан озод этиши ёхуд уларнинг урф-одат ва расм-русларини ривожланиши учун шароит яратиб бериши.

Эдуард Холден: “Бобур феъли-сажиясига кўра Цезарга қараганда севишга арзигулиқдир”.

Жавоҳарлал Неру: “Бобур дибар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан лаззатлана оларди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатга эга. ...”

ХҮ аср охири ва ХҮI аср бошларида яшаган Мавлоно Мухаммад Қози ўзининг “Ҳукмдорга ўғитлар” номли рисоласининг “Давлатни бошқармоқ шартлари” бандида бошқарувнинг ўзига хос талаблари ва қоидалари ҳақида қатор тавсияларни беради. Жумладан, давлатни бошқармоқ шартларини қуидагича изоҳлайди:

1. Ўзини фуқаролардан бири деб тасаввур қилиш.
2. Мусулмонларнинг ҳожатларини чиқариш.
3. Тансиқ таомлар ва башанг кийимларга ружу қўймаслик.
4. Мулойим сўзлаб, асоссиз қўполлик қилмаслик
5. Ҳукм чиқаришда сусткашлик ва иккюзламачилик қилмаслик ҳамда ҳақиқат ва шариатга қарши бормаслик.
6. Мамлакатга таҳдид этадиган хатардан ғофил қолмаслик.
7. Дин уламоларини зиёрат этиши.
8. Ҳалқни ўзидан қўрқитмаслик, раъиятнинг муҳаббатини қозониш.
9. Зўравон амалдорларнинг зулмига бепарво қарамаслик.
10. Фаросат.

Фуқароларнинг подшоҳ олдидаги ҳақлари ҳақида эса қуийдагилни билдиради:

- тавозели бўлиш;
- мағрурланиб тақаббурлик қилмаслик;

- фосиқлар, ғаразгўйлар ва ҳасадгўйлар сўзларини эшиитмаслик;
- бирон айби ё камчилиги учун бирон одамга ғазабини сочмаслик ва имкони бўлса уни афв этиш.

Ушбуларни бажариш подшоҳ ва ҳокимга вожибдир.

Хулоса ўрнида: Буюк саркарда Шох ва шоир Захриддин Мухаммад Бобурнинг" Бобурнома" асарини бугунги ёшларимизда давлатни бошқариш санъати, хуқуқий масалалар ечимини ўрганишда ҳамда келажакда раҳбар сифатида шаклланишида муҳим дастурамал манба вазифасини бажаради.

REFERENCES

1. Дадашева, Ақида Абдужаббаровна. "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ-КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ." *Academic research in educational sciences* 3.10 (2022): 288-291.
2. Дадашева А. А. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ-КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ // *Academic research in educational sciences*. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 288-291.
3. Дадашева А. А. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ-КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ // *Academic research in educational sciences*. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 288-291.
4. Дадашева А. А. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ-КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВР ТАЛАБИ.
5. Дадашева А. А. ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ҲОКИМЛАР ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ // *Academic research in educational sciences*. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 1. – С. 117-122.
6. Abdinazarova F. O. K. Q., Dadasheva A. A. FUQAROLIK HUQUQI: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING YANGI KONSTITUTSIYASI VA XORIJY DAVLATLAR KONSTITUTSIYALARIDA // *Academic research in educational sciences*. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 2. – С. 305-311.
7. Dadashova A. A. Main Directions of Activities of Local Executive Authorities in New Uzbekistan // *International Journal of Social Science Research and Review*. – 2023. – Т. 6. – №. 5. – С. 377-383.
8. Dadashova A. A. THE ROLE OF MASS MEDIA IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN NEW UZBEKISTAN // *Educational Research in Universal Sciences*. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 203-207.
9. Dadashova, Akida Abdujabbarovna. "THE ROLE OF MASS MEDIA IN THE DEVELOPMENT OF CIVIL SOCIETY IN NEW UZBEKISTAN." *Educational Research in Universal Sciences* 2.4 (2023): 203-207.
10. Dadashova, Akida Abdujabbarovna. "Main Directions of Activities of Local Executive Authorities in New Uzbekistan." *International Journal of Social Science Research and Review* 6.5 (2023): 377-383
11. Умарова, Р. (2015). Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни. *Theoretical & Applied Science*, (10), 127-129.
12. Умарова, Р. Ш. (2019). Основы духовно-нравственного воспитания молодежи в трудах Абу Райхана Беруни. *Проблемы науки*, (4 (40)), 56-57.
13. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. *Вестник науки и образования*, (4-1 (82)), 35-37.
14. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. *Problems of science*, no. 4 (40).

15. Дадашева А. А. ПРАВО СВОБОДНО ПОЛУЧАТЬ И РАСПРОСТРАНЯТЬ ИНФОРМАЦИЮ-ВАЖНЫЙ ФАКТОР НЕПОСРЕДСТВЕННОГО ОБЩЕСТВЕННОГО КОНТРОЛЯ НАД ДЕЯТЕЛЬНОСТЬЮ ОРГАНОВ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ И УПРАВЛЕНИЯ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 2. – С. 14-19..
16. Dadashova A. A. Main Directions of Activities of Local Executive Authorities in New Uzbekistan //International Journal of Social Science Research and Review. – 2023. – Т. 6. – №. 5. – С. 377-383.
17. Dadashova A. A. Main Directions of Activities of Local Executive Authorities in New Uzbekistan //International Journal of Social Science Research and Review. – 2023. – Т. 6. – №. 5. – С. 377-383.